

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 13-yanvar, payshanba

№ 01 (9165)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



“AGRO EXPORT BARAKA” MCHJ

РОССИЯГА БОДРИНГ ЭКСПОРТИНИ БОШЛАДИ

Мирзаобод туманининг Мирзо Улуғбек сув истеъмолчилар уюшмаси ҳудудидаги “AGRO EXPORT BARAKA” масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига унча кўп вақт бўлмади.

Гулистонлик тадбиркорлар Андрей Рюхин ва Олег Свиштунов ҳудуддаги бўз ва қуруқ ердан 10 гектар ер олиб, бодринг ва помидор маҳсулотларини гидропоника усулида етиштириш мақсадида “Миллий банк”дан 3,5 миллион доллар кредит олди. Уларнинг 1,5 миллион долларлик сармояларини қўшиб, Корея технологияси асосида 7 гектар ерда иссиқхона барпо этди.

Иссиқхона учун зарур бўлган жиҳозлар Кореядан, гидропоника усулида экиладиган кокос пўчоғи эса Туркиядан келтирилди. Қурилиш ишлари якунига етган у ерга Бьерн навли, яъни халқ тилида айтганда чўтир бодринг экди.

– Бу осонликча бўлгани йўқ, – дейди МЧЖ иш юритувчиси Олег Свиштунов. – Бунинг учун қатор хорижий мутахассислар тажрибали тадбиркорлардан маслаҳат олди. Кўрганингиздек натижа ёмон эмас. Гидропоника усулидаги иссиқхонани қуриб, унга бозорбоп бодринг уруғларини экиди. Ниҳоллар ҳам баравж ўсиб, кутилганидан юқори ҳосил бера бошлади.

Айни вақтда “AGRO EXPORT BARAKA” масъулияти чекланган жамиятида мирзаободлик ва боёвтулик маҳаллий ёшлардан 120 киши ишли бўлди. Қувонарлиси, ишчиларнинг 90 фоизи ишсиз қишлоқ аёллари бўлиб, улар ишли бўлишди.

– Кўпдан буён ишсиз, ишлаб десам иш йўқ эди, – дейди мирзаободлик Диёра Тўрабекова. – Борлари ҳам яшаш манзилимдан анча узоқда. Қатнаш ва бориб, келиш учун имконим йўқ. Қишлоғимиз ҳудудидан ушбу иссиқхонани



қурганлар барака топишсин. Мен сингари ишсиз кўни-кўш-ниларим ҳам ишли бўлишди. Ишимиз ҳам, даромадимиз ҳам ёмон эмас. Меҳнатимизга яраша ҳақ олаемиз. Кўриб турганингиздек, ҳамма нарса автоматлаштирилган. Фақат бодрингни теришдан ташқари.

“AGRO EXPORT BARAKA” масъулияти чекланган жамияти жамоаси яқинда дастлабки маҳсулотини Россиянинг машҳур савдо комплекслари ҳамда “Пятерочка”, “Ашан” каби яшил бозорлар орқали Россиянинг барча вилоят ва губернияларига етказмоқчи. Бу борада ҳамкорлик шартномалари ҳам тузилган. Мақсад катта, режалар ҳам ёмон эмас.

– Бир квадрат метр жойга экилган бодрингдан 250 килограмм, 1 гектар ердан 250 тонна атрофида бодринг олишни режалаштирганмиз, – дейди Андрей Рюхин. – Режадаги ишларимиз амалга ошириб, ҳосилдорлик ҳам кутилганидан кўп бўлган, ташқи бозорга чиқарилган ва сотилган бодринг ҳисобига гидропоника ҳисобида қурилган иссиқхонамизни яна бир неча гектарга кенгайтираемиз. Бунинг ҳисобига ишчи хизматчиларимиз сони, иш ҳақи ва даромади ошади.

Фулум ПРИМОВ,
Фурқат ТОШМАТОВ (суратлар)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI

ХУНАРМАНДЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 30 декабрь куни имзоланган “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа ривожига яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

Қарорда аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, “Устоз-шогирд” аънаси асосида маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга ошириладиган бир қанча вазифалар белгиланган.

Ҳозирда Оролбўйида ушбу ҳужжат юзасидан, яъни хунармандчилик билан шуғулланаётган ёки ушбу фаолиятни йўлга қўйиш истагидаги фуқароларга кўрсатилган имтиёз ва имкониятлар бўйича аҳоли ўртасида кенг қамровли ташвиқот ишлари олиб борилаётир. Бунда “Хунарманд” уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, ҳамкор идора ва ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари фаоллик кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жами 9 минг 781 нафар хунарманд рўйхатдан ўтган. Уларнинг 2760 дан зиёди уста, 7020 нафари шогирд ҳисобланади. Утган 2021 йилда “Хунарманд” уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан ёшларни хунармандчиликка йўналтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда хунармандларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича қатор ишлар бажарилди.

Нукуслик Гулжаҳон Заримова 2020 йил уюшмага аъзо бўлган. У қорақалпоқ халқ миллий либосларини тикиш билан шуғулланади. Шу билан бирга, бир қанча ёшларни шогирдликка олиб, уларга саукеле, киймешек, шапан каби бир қанча миллий либос турларини ҳамда нақш тушириш сирларини ўргатмоқда.

– Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаятган



ҳар томонлама ғамхўрлик, биз, хунармандларни жуда қувонтирмоқда, – дейди Гулжаҳон Заримова. Қабул қилинган сўнгги қарор хунармандларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиш учун имтиёزلарни янада

кенгайтирди. Бундан самарали фойдаланган ҳолда, келгусида фаолиятини кенгайтириш ҳамда шогирдларим сонини кўпайтириш ниятидаман.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (УЗА) олган сурат.



Сув хўжалиги тизимида амалга ошириладиган ислохотлар

ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА

Азимжон НАЗАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, экинлардан мўл ҳосил олиш, бозорларимиз тўкинлиги-ю, дастурхонларимизнинг турли ноз-неъматларга тўла бўлиши бевосита сувга боғлиқ. Шу боисдан, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сув хўжалиги соҳасини комплекс ривожлантириш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, жумладан, тежамкор суғориш технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада улкан ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, оборотдан чиққан экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилаётганлиги, 2020-2021 йилларда 315 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилганлиги, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилганлиги алоҳида эътироф этилди.

ВАТАН ТАРИХИНИНГ БИР ПАРЧАСИ

Она Ватанини чин дилдан севган инсон унинг янада гўзаллашиб бориши, иқтисодийнинг юқалиши, фуқароларида маърифат ва маънавият тушунчаларининг ривожланиб боришини истади. Бунга Қашқадарё вилояти Қамаш тумани халқ таълими бўлимига қарашли 6-сон умумий ўрта таълим мактабида очилган “Мактаб тарихи музейи” фикримизга исбот бўла олади, деб ўйлайман.

Музейдан жой олган экспонатларни томоша қилар эканман, худди кечаги кунга, олис болалик йилларимга қайтгандек бўлдим. Чунки музейдаги суратларда муҳрланган одамларнинг нигоҳи, қарашлари, қиёфаси, либослари ана шундай фикр уйғотади кишида. Музейни томоша қилиш учун келган қишлоқ кексалари билан суҳбатга киришаман.

– Бундан етмиш йиллар муқаддам нафақат Бадахшон қишлоғида ва унинг атрофидаги Олтинтепа, Кўса, Саритепа, Ҳажибачча, Шўрча, Саркач, Қўтонбой, Савсан, Ногаҳон, Белдовтепа қишлоқларида ҳам бирорта мактаб бўлмаган. Қишлоқ болалари эса илк сабоқни эски масжид биносида биринчи муаллим Боймат Умаровдан олишган. 1952 йилда ушбу бошланғич мактабга тажрибали педагог ва иқтисодчи, устозим Омон Мардонов директор этиб тайинланди. У киши ишни хашар йўли билан янги мактаб биноси қуришдан бошлади, – дейди мактабнинг собиқ директори, халқ маорифи аълочиси Дўстмурод Давронов.

Ҳамиша биринчи бўлиб қийин кечган. Иккинчи жаҳон урушида йўқотилган талафотларнинг ўрни тўлмаган, одамлар уруш ўзининг мудҳиш гидробига тортган азиз кишилари хотираси азобида яшаётган йиллар. Энди ўйлаб кўриниб, ана шундай мушкул вазиятда, маънан, руҳан чарчаган одамларни бирлаштириш, ташаббус кўрсатиб ортидан эргаштириш осонмиди?

(Давоми 2-саҳифада)

Мавжуд сув ресурсларини самарали бошқариш, обихаётдан оқилона фойдаланиш, ресурс тежамкор суғориш усуллари кенг татбиқ этиш вазирлик олдидаги муҳим ва устувор вазифадир

(Боши 1-саҳифада)

Ўтган йил бободоҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси етиштирилди. Бу ютуқларга осонгина эришилгани йўқ, албатта. Сув ресурслари ҳар йилдан 25-30 фоизга танқис бўлишига қарамасдан сувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига йил давомида 44 млрд.м³, суғориш мавсумида 32,6 млрд.м³ сув етказиб берилди.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишлари, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан йил давомида 10 млрд. м³, шу жумладан суғориш мавсумида 8 млрд. м³ сув иқтисод қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ирригация тармоғи энг ривожланган ва йирик сув ҳўжалиги инфраструктурасига эга давлат ҳисобланади. Мамлакатимиздаги мавжуд 4,3 млн. гектар суғориладиган экин майдонлари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини сув билан барқарор таъминлашда жами 28 минг 570,0 км. узунликдаги ирригация тармоқлари, 38 минг 781 та гидротехника иншооти, 19 минг 752 та гидростанция хизмат қилади.

2021 йилда сув ҳўжалиги эксплуатация ташкилотларига маҳаллий бюджетдан йўналтирилган 29800 млн. сўм маблағ ҳисобидан 5459,0 км. ҳўжаликлараро суғориш тармоқлари (каналлар) тозаланди, улардаги 5 минг 839 та гидротехника иншооти ва 5 минг 818 та гидростанция таъмирланди. Худди шундай, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер ҳўжаликлари ҳисобидаги ички ариқларнинг 17 минг 342 км. қисми машина-механизмлар, 68 минг км. қисми қўл кучи ёрдамида тозаланди.

2021-2022 йиллар кузги-қишки мавсумда белгиланган чора-тадбирлар доирасида 4 минг 702 км. ирригация тармоқлари тозаланди, улардаги 3 минг 404 та гидротехника иншооти ва 2816 та гидростанция таъмирланди ва шу кунларда бу ишлар давом эттирилмоқда.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун 6 минг нафар сув ҳўжалиги ишчиси, 280 тадан кўпроқ экскаватор, бульдозер ва бошқа техника жалб қилинган. Таъмирлаш-тиклаш тадбирларининг сифатли бажарилиши натижасида ўтган йили 1,5 млрд. м³ ҳажмда сув тежалиб, ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 2020 йилга нисбатан 1 фоиз оширилди. Вазирлик тизимидаги насос станцияларида энергия тежамкорлигига катта эътибор қаратилиши туфайли 2021 йилда 7 млрд. 295 млн. кВт. соат



Сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар

ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА



электр энергияси сарфланди. Охириги уч йилликда (2018-2020 йиллар) ўртача электр энергияси сарфи 7 млрд. 525 млн. кВт. соатни ташкил этганини ҳисобга олсак, 230 млн. кВт. соат электр энергияси тежалди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги энг долзарб масалалардан биридир. Негаки, фермер ва деҳқонларнинг даромади кўп жиҳатдан тўпроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги, демакки, айнан ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам юртимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш, ерларнинг шўрланиш даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. 2021 йилда мелиорация объектлари бўйича 85 та лойиҳа доирасида

299,1 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб, 699,9 км. коллектор-дренаж тармоғи, 50 та гидротехника иншооти, 17 та дренаж қудуғи ҳамда 10 та кўприк қурилди ва реконструкция қилинди. Шунингдек, 220 та мелиорация лойиҳаси доирасида 365,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб, 17 минг км.га яқин коллектор-дренаж тармоғи ва 319 та тик дренаж қудуғи таъмирланди ва тикланди. Натижада 200 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди, кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 20 минг гектарга камайтирилди, сизот сувлари сатҳи 2 метрча бўлган майдон 48,1 минг гектарга қисқарди, 16,1 минг гектар ернинг мелиоратив барқарорлиги таъминланди, 100 минг гектарга яқин ер майдонини қайта фойдаланишга киритилди. Республикаимиздаги сув ва сел-сўм омборларидаги иншоотларни

таъмирлаш учун 9,4 млрд. сўм маблағ ҳисобига 396 та пьезометр, 104 та затвор, 136 та гидростанция, 110 та гидротехник иншоот, 53 км. узунликдаги назорат йўллари, 32 км. узунликдаги кириш ва чиқиш каналлари ҳамда 1291 та ёритиш тизимлари таъмирланди. Шунингдек, 24,4 млрд. сўм маблағ ҳисобига 272 км. узунликдаги каналлар тозаланди, 60 км. узунликдаги канал ва дамбалар, 429 та гидротехник иншоот ва 519 дона гидростанция таъмирланди. Бу ишларнинг амалга оширилиши натижасида вазирлик тизимидаги 72 та сув ва сел-сўм омборлари ҳамда йирик магистрал каналларнинг хавфсиз ва ишончли ишлаши таъминланиб, сув омборларига боғланган 1,9 млн. гектардан ортиқ экин майдонларига сув етказиб берилди.

Жорий йилда ўз олдимизга 5264 км. узунликдаги каналларни тозалаш, улардаги 4 минг 946 та гидротехника иншооти ва 5241 та

рилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Россия Федерациясининг Ташқи иқтисодий банки билан имзоланган умумий миқдори 146 млн. евро бўлган қарз битимига кўра "Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 95 та насос станциясини модернизация қилиш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа амалга ошириладиган насос станцияларида 455 та агрегат, электр ва ёрдамчи қурилмалар янгиланади, бошқарув тўлиқ автоматлаштирилиб, SCADA тизими жорий қилинади. Натижада Бухоро, Навоий вилоятларининг 3 тадан туманида, Қашқадарё вилоятининг 5 та, Самарқанд вилоятининг 6 та ва Сурхондарё вилоятининг 11 та туманида жами 355 минг гектардан зиёд экин майдонлари кафолатли сув билан таъминланади, 40 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилади. Шунингдек, агрегатларнинг фойдали иш коэффициенти 10-15 фоизга кўтарилди, йилига 40 млн. кВт. электр энергияси тежалади. Эксплуатация ва электр энергиясидан йилига 30 млрд. сўм маблағ иқтисод қилинади. Сув ва сел-сўм омборлардаги иншоотларни таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 32,2 млрд. сўм маблағлар ажратиш ва 432 та пьезометр, 86 та затвор, 118 та гидростанция, 39 та гидротехник иншоот, 4 км. узунликдаги назорат йўллари, 41 км. узунликдаги кириш ва чиқиш каналлари, 23 км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 2181 та ёритиш тизимлари таъмирланади. Шунингдек, 26,6 млрд. сўм маблағ ҳисобига 203 км. узунликдаги каналлар тозаланди, 85 км. узунликдаги канал ва дамбалар, 395 та гидротехник иншоот ва 529 та гидростанция таъмирланди.

Минтақамиз аҳолиси сони тобора ортиб бораёпти. Бу эса



гидростанция таъмирлашни режалаштирганмиз. Натижада 795,9 минг гектар суғориладиган экин майдонларининг сув таъминоти яхшиланади, ирригация тизими ҳамда суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,65 дан 0,69 гача ошири таъминланади. Йиллик электр энергияси сарфи 7 300 млн. кВт. соатдан 7 150 млн. кВт. соатга камайти-

озик-овқат экинларига бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига, ўз навбатида, сувга талабнинг ортишига олиб келади. Шунинг учун ҳам мавжуд сув ресурсларини самарали бошқариш, обихаётдан оқилона фойдаланиш, ресурс тежамкор суғориш усуллари кенг татбиқ этиш вазирлигимиз олдида энг муҳим ва устувор вазифа бўлиб турибди.

АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИШ ЗАРУР

Навоий вилоятида 2022 йил ғалла ҳосили учун 38 минг 39 гектар майдонга кузги бошқоқли дон экилган. Мутахассислар кузги бошқоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш биринчи навбатда экин билан боғлиқ барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказилишига боғлиқ, деб таъкидлашади.

Айни пайтда худудларда маҳаллий ўғит жамғариш, шарбат ҳандақ қазिश, азотли ўғитлар билан озқилантириш ишлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика вазирлиги устидан назорат қилиш Инспекцияси вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан назорат қилинмоқда. Жумладан, 2021 йилда ўтказилган назорат тадбирларида 190 та фермер ҳўжалиги ва кластерларнинг 1277 гектар майдонида агротехник тадбирларни сифатсиз бажариш билан боғлиқ камчиликлар аниқланган.

Жумладан, Хатирчида 341 гектар, Қизилтепада 320, Навбахорда 301, Карманда 246, Конимехда 69 гектар ғалла майдонларида агротехник тадбирлар билан боғлиқ хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Улардан аксариятини маҳаллий ўғит чиқармаганлик ҳамда шарбат ўра қазилмаганлиги ҳолатлари ташкил этади.

Аниқланган камчиликлар бўйича фермер ва кластер раҳбарларига 124 та огоҳлантириш, 66 та кўрсатма берилган, – дейди "Ўзагроинспекция" вилоят бошқармаси катта инспектори Бурҳон Тўйчиев. – 4 та ҳолатда маъмурий иш қўзғатилиб, кўриб чиқиш учун судларга юборилиши таъминланган. Хатирчи туманида жорий йил ҳосили учун 236 та фермер ҳўжалиги томонидан 11 минг 228 гектар майдонга буғдойнинг "Асп" ҳамда "Васса" навлари экилган. Таъкидлаш ўринлики, ғалла агротехикасида муҳим тадбирларнинг кечиктирилиши ҳосилдорлик камайишига сабаб бўлади.

Олиб борган назорат тадбирларимиз давомида ғалла парваришида масъулиятсизликка йўл қўйган фермерлар аниқланиб, уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар қўйилди. – дейди "Ўзагроинспекция"нинг Хатирчи тумани бўлими катта инспектори Алишер Ашуров. – Жумладан, ғалла агротехник тадбирларини ўз вақтида бажарилиши бўйича фермерларга огоҳлантириш, ёзма кўрсатмалар берилди.

Шунга қарамай, бундан тегишли хулоса чиқармаган фермер ҳўжалик раҳбарларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддасига кўра, маъмурий иш қўзғатилиб, тўпланган материаллар туман судига юборилиши таъминланди. Жумладан, тумандаги 17 гектар ғалла майдонига эга "Сарварбек Сардорбек" фермер ҳўжалигида ўқариқ олинмаган ва маҳаллий ўғит учун ҳандақ қазिश ишлари огоҳлантиришга қарамай орта суриб келинган. "Нурбулоқ" фермер ҳўжалигида ҳам агротехник тадбирлар бажарилиши кечиктирилишига йўл қўйилган.

Мазкур ҳолатлар бўйича иккала фермер ҳўжалиги раҳбарларига ҳам маъмурий иш қўзғатилди. Хатирчи туманида 573 дона шарбат ҳандақ қазилган бўлиб, бу режага нисбатан 25,5 фоизни ташкил этади. Ғалла майдонларига маҳаллий ўғит жамғариш режаси эса 56 минг 140 тонна бўлиб, жорий йилнинг шу даврига қадар 15 минг 970 тонна ўғит жамғарилган ҳолос. Инспекция вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан ушбу йўналишдаги назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Зулфия БОБОЕВА,

"Ўзагроинспекция" Навоий вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

БЕШАРИҚНИНГ ҚУДРАТЛИ СУВ МАНБАИ

Норин ва Қорадарёнинг бирлашувидан ҳосил бўлган Сирдарё сокин оқмоқда. Унинг сувларидан не-не бўз ерлар, чўллар, даштлар, аҳоли томорқалари яшнамаган, гўзалликка бурканмаган?



Бу улкан иншоотнинг суви борган жойлар бўлакча қиёфага кирганига тарих гувоҳ. Сирдарёнинг сувлари ўз ўзани бўйлаб оқиб борадиган жойлар ҳам жуда кўп. Бир қанча шаҳарлар, қишлоқлар ва текисликларга ўз-ўзидан канал ва ариқларда сув кириб бориб, деҳқончилик қилинадиган ерлар ва бог-роғлардан мўл-қўл озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириляпти, гўза ўсимлиги ўстириляпти...

Бу фикрлар Фарғона вилояти

марказидан салкам 200 километр узоқликда жойлашган "Беширик" насос станциясида бораётганимизда хаёлимиздан ўтди. Бундай қарасак, қўшни Тожикистон билан чегарага яқин келиб қолибмиз. Дахлсиз худуд деб аталувчи ерга кириш учун чегарачилардан рухсат олдик. Ун дақиқалардан сўнг ҳўжатларимизни олиб қолиб ўтказишди. Аслида борадиган еримиз ҳам ўзимизники, лекин тартиб шундай экан, ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Чегарага яқин худудда шундай қилингани маъқул, деган гап хаёлдан ўтди. Биз узоқдан кўриниб турган, атрофида ҳеч вақо йўқ бино томон юриб кетдик. Ҳақиқатдан ҳам бўз ерлар, икки-уч кун ёғиб ўтган ёмғирдан кейин юзаси қотганга ўхшаб қолган, лекин қадам қўйишингиз билан сирпаниб кетадиган бўлиб қолибди.

– Бу кўриниб турган минглаб гектар ерлар "Беширик" насос станцияси куриб битказилгунга қадар қашаб ётарди, – дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси

ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси Беширик тумани бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Муроджон Обидов. – Бу станцияга 1979 йилда асос солинган. Унга аҳоли томорқалари билан бирга 7820 гектар ер боғланган. Станция қурилгунга қадар бу депардага ҳосил олиш ўқда турсин яшаш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Бу худуд бўри, эчкимар, тўнғиз, тулки, қашқир, илон, каламуш, ёввойи ит ва бошқа ваҳший ҳайвонларга макон бўлган. Сув Сирдарё ўзанидан қазиб келиниб, насос қувурларига етказилди. Насос станцияси 2000 йилларга келиб эскирди ва сув чиқариш қуввати пастлади. 2009 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Осмё Тараққиёт банки иштирокида 22 миллион 238 минг долларлик реконструкция ишлари бажариладиган бўлди. 2011 йил 7 июль кuni реконструкция бошланди ва 2013 йил май ойида якунланди. Насос станцияси агрегатлари янги, замонавий ва тежамкор агрегатлар-



га алмаштирилди. Шу билан бирга тўлиқ автоматлаштирилди. Агрегатлар масофадан туриб фойдаланишга ўтказилди. Энг биринчи ютуқ электр энергиясини тежаш бўлди. Илгари йилига 16-18 миллионлик электр энергия сарфланган бўлса, ҳозир 12-13 миллион сўмлик электр энергия сарфланмоқда. Яъни 4-5 миллион сўмлик энергия тежаб қолиняпти. Сув кафолатли тарзда фермер ҳўжаликларига етказиб берилмоқда. Бунинг натижасида фермер ҳўжаликлари ҳосилдорлиги буғдойдан 10-12, пахтадан 8-10 центнерга кўпайди.

Ҳозирги кунда туманда ерларнинг шўрини ювиш учун пол олиш ишлари га сувчилар, мироблар, ирригатор ва мелиораторлар, фермер ҳўжаликларининг техника воситалари сафарбар этилган. Жорий йилда 2300 гектар

ернинг шўри ювилиши режалаштирилган. Ана шу ерларнинг 30 фоизидан пол олиш тугалланган, насос станцияси ишга туширилди ва пешма-пеш шўр ювиш, яхоб суви бериш ишлари жадал олиб борилади.

Бу насос станцияси кўзга кўринмас қудрат манбаи ҳисобланади. Унинг баланда узатиб бераётган обихаётдан баҳраманд бўлмаган киши туманда кам топилади. Ун кишилик жамоа бир тану бир жон бўлиб насосларни узлуксиз ишлатишга ҳаракат қилишади. Механик ва электрлардан Туронбой Миртожиев, Анвар Бўриев, Фарход Бердикулов, Илҳом Фофуровларнинг самарали меҳнатлардан бутун туманга татиётгани фахрланишга арзийди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.



Меҳнат ва ижод завқи ҳамоҳанг бўлса...

Нориннинг фермер шоири

Норин туманидан оқиб ўтувчи Қорадарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Ҳожининг толи маҳалласида яшовчи Мақсудали Ҳақимовни нафақат водийда, Қашқадарё воҳасининг Баҳористон, Косон тумани аҳолисининг бир қисми ҳам яхши билишади. Боиси у салкам етмиш йиллик умри мобайнида падарибузруквори Қозоқбой отанинг насиҳатларига амал қилиб, етти ётдан оға-ини, опа-сингил, дўст-ёрон орттирди. Кўпчилик ҳурмат қиладиган, маҳалланинг улуғига айланди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

– 1954 йилда йўллари қишда лой, ёзда чанг, шароити оғир маҳаллада туғилган эканман. Отам далада сувчилик қилган. Йўғу борчиликка бардошли, исмлари ҳам Тошхон бўлган онамининг умри ҳам меҳнат билан ўтганини яхши эслайман. Оилада 4 ўғил, 3 қиз эдик, – дейди қаҳрамонимиз.

Ана шундай оғир йилларда мактабга борган ёш Мақсудали қадоқ қўллари билан пешонасини силаб "энди замон ўқиганники", деган ота сўзларини дилига маҳкам тугиб олди. Бошланғич синфда "Ўрўғли"нинг барча достонини ёд айтиб ҳаммани лол қолдирди. Жажжи шеърлари газеталарда кўрина бошлади. Техника йўналишидаги кашфиётлари ҳам тилга тушиб, аъло баҳоларга мактабни битирди. Сўнг Фарғона давлат институтининг умумий техника фанлари ва меҳнат факультетини имтиёзли тугатди. Ўша йиллари Нориндан кўнгилчилар Қашқадарё заминиде деҳқончилик қилиш учун жўнатилди. Улар орасида Мақсудали ва турмуш ўртоғи Кимсаной ҳам бор эди. Биринчи йили етти нафар ҳамқишлоғи билан Баҳористондаги совхознинг 30 гектар майдонида қовун-тарву экти. Ҳосил ҳам, даромад ҳам кутилганидан зиёда бўлди. Тиркичиликдан орт-



тириб, камдан-кам оиладагина бўлган "Москвич" автомашинаси эгасига айланди. Аммо баъзилардек, олма пиш, оғзимга туш деб ўтирмади. Косон туманидаги мактабда ўқитувчилик ҳам қилди. Дарсдан сўнг, ўша пайтда жиноят ҳисобланган "киракашлик" билан ҳам шуғулланди. Мижознинг берганига рози бўлди. Пулга зориқиб келган кўшчилари билан мустаҳкам риштали, тўй-маъракаси бир-бирисиз ўтмайдиган, таърифига сўз ожиз меҳр-муҳаббатли дўсту қаддонларга айланди.

Мақсудали Ҳақимов мустақилликка эришган, халқимиз учун оғир кечган 1991 йилда Наманган, киндик қони тўкилган Ҳожининг толи маҳалласига қайтиб келди. Ҳалол топган маблағи

ҳисобига шоли, буғдойни қайта ишлайдиган обжувоз ва тегирмон қурди. Етти нафар маҳалладошини иш билан таъминлади. Соф даромадидан ночор оилаларга гуруч, ун тарқатди. Ишсиз юрганларнинг 35 нафарига насияга маҳсулот бериб, бозорларда савдо-сотик қилишга ўргатди. Эндиликда, шу маҳаллада ана шундай ўз ишлаб чиқаришига эга, савдо-сотик орқасидан тўкин ҳаёт кечираётганлар сони бир неча юз нафардан ортиқни ташкил этади.

Мақсудали Ҳақимов ота-онаси меҳнат қилган далалар ўрнида фермер хўжалиги ташкил этиш ниятида тендер комиссиясига мурожаат этиб адашмади. 2005 йили голиб чиқиб "Мақсудали Қозоқбой ўғли" фермер хўжалигини ташкил этди. Ўтган давр мобайнида хориз ва ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳайдов, ўрим, қатор ораларига ишлов берувчи техни-



Наманган

Қор кетмайди тоғидан,
Ёзине чилла чоғида.
Минг бир мева серҳосил,
Наманганнинг боғида.

Гуллар шаҳри дейишар,
Ифрорлидир хавоси.
Бундай макон қайда бор,
Тинмас қушлар навоси.

Яна очмоқда чирой,
Мадҳ этилиб достонда.
Кундуз қуёш, тунда ой
Янги Ўзбекистонда.

Мақсудали Қозоқбой ўғли

калар жамланмасини шаклландирди. Натижада ҳар йили пилла, пахта, ғалла, балиқ етиштириш борасида юқори кўрсаткичларга эришиб келаётир. Жумладан, яқунланаётган 2021 йилда ҳам мавжуд 41 гектар ғаллазордан 65, 55 гектар пахтазордан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга муваффақ бўлди. Эришилаётган натижаларда ота изидан бориб хўжаликни моҳирона бошқараётган ўғли Асилбек ва хўжалик аъзоларининг ҳамжихатлиги муҳим ўрин тутаётир.

Юқорида таъкидланганидек, Мақсудали Ҳақимов ёшлигидан адабиётга, шеъриятга меҳр қўй-

ди. Унинг шеърлари газета ва журналларда чоп этилмоқда. 2020, 2021 йиллар унинг ижод йўлида ёдда қоларли воқеаларга бой бўлди. Тошкентдаги "Истеъдод зид пресс" нашриётида "Ёшлигимиз", "Илк муҳаббат", "Қайдасиз?" номли учта шеърый тўплами босилиб чиқди ва китобхонлар ҳужумига ҳавола қилинди.

Биз ҳам норинлик фермер шеърларидан бирини тўхта этиш баробарида, унинг хайрли ишлари ва ижодида улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Инсоният қадимдан олов билан ҳамнафас яшаб, ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келган. Бироқ оловдан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидалари бор. Уларга тўғри амал қилинсагина ҳаётимиз беҳавотир, тинч, осуда ва чиройли кечади. Кундалик турмушимизда ўзи оддий, аммо аҳамияти ката бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор.

"101" ОГОҲЛАНТИРАДИ:

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОФАТГА САБАБ БЎЛМАСИН!



Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доимо хушёрликни талаб этади. Оддий бир мисол: болаларнинг гурут, олов билан ўйнашлари оқибатида ёнғин келиб чиқиши мумкин. Қаранг, озгина эътиборсизлик ката офатга сабабчи бўлади. Аслида, боласининг ҳаракатини доим назорат қилиш ҳар бир ота-онанинг одатдаги ишидир. Қолаверса, ҳар бир уй соҳиби ва соҳибаси рўзгор юмушларини бажаришда электр асбобларининг фақат соғлиқдан, тўғри фойдаланишга одатланиши лозим. Бунинг учун озгина кунт қилинса кифоя. Шунда уйингиз ҳам, кўнглингиз ҳам тинч бўлади. Электр асбоб-анжомларидан фойдаланиб бўлгандан сўнг, электр тармоғидан узишни асло унутмаслик керак. Уйдан чиқиб кета туриб газ ва электр чироқларини албатта ўчириш лозим. Хонада газ чиқаётгани сезилса, чироқ ва бошқа электр асбоблари, учкун берувчи воситаларни ёқиш мумкин эмас. Электр асбобларининг ортиқча қизиби кетиш ҳоллари ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади. Хонадонларда электр тармоғига бир вақтнинг ўзига бир неча ток қабул қилувчи воситаларни улаш жуда хавфли. Бу усулни қўлламаслик керак. Ёғ доғ қилинаётган қозонни назоратсиз қолдириш ҳам аянчли ҳолларга олиб келиши мумкин. Ёқиб қўйилган электр-иситтич асбоблар, дазмол ва плиталарни ҳам қаровсиз қолдирманг! Уларни фақат ёнмайдиган материалдан бўлган махсус тагликка қўйиш лозим. Телевизор ҳам ёқилган бўлса назоратсиз қолмасин. Асло ностандарт электр иситтичлардан фойдаланманг! Ёниб турган газ плитаси устида кир қуритиш, бензинда кир ювиш ҳолатлари кучли ёнғин чиқишига сабаб бўлади. Қолаверса, табиий газни резина шланглар орқали улаш ҳам хавфли. Аиниқса, тунда газни ёқиб қолдириш ярамайди. Чунки тунда газ босими ортиб, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин.

Азиз фуқаролар!

Оловга нисбатан жиддий муносабатда бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёр талабларига тўла амал қилсак, хавф-хатарга йўлиқмаймиз.

Ф.М.МАХМУДОВ,

Тошкент тумани ФВБ ФВДТ ва
ФМ бўлинмаси бошлиғи, катта лейтенант.

ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ис газы – рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз
заҳарли газ бўлиб, энергиянинг жадал
ишлатилишидан юзага келади.

Қазиб олинган ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги ис газининг бош манбаи ҳисобланади. У асосан кўмир, табиий газ ва бошқа ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги сабаб юзага келади. Унутмаслик кераки, нафас олинувчи ҳаво таркибиде 0,1 фоиз ис газининг бўлиши ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Ис газининг организмга тушганда, қон таркибиде гемоглабин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб, кислороднинг тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди. Натижада инсон ҳушини йўқотиб, ис газидан заҳарланади. Барча заҳарланиш ҳолатларида, оғир заҳарланишларда зудлик билан тез тиббий ёрдам қақриш зарур.

Даврон ҚАДИРОВ,

Яккасарой тумани ФВБ бошлиғи, подполковник.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти жамоалари Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти "Микроиночилик" лабораторияси мудири
Аркадий Шагенович АРЗУМАНОВнинг вафоти муносабати билан унинг ақинларига ҳамдардлик билдиради.

ҲАРОРАТ КЎТАРИЛГАНДА НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК?

Ҳарорат организмнинг жавоб реакцияси ҳисобланади. Организмга турли бактерия ва вируслар тушганда иммун тизими уларга қарши курашади ва бу жараёни ҳарорат кўтарилиши орқали билдиради. Бунда биринчи навбатда ҳароратни ўлчаш лозим. Ҳарорат 38 даражадан паст бўлса:



- Беморни ётқизиш, турли жисмоний фаолиятларни чеклаш;
- Хона ҳарорати мўтадил бўлиши керак;
- Беморга тез-тез суюқлик ичириш;
- Асалли, занжабилли ва лимонли чой ичириш;
- Бемор танасини совитишга имкон бериш (иссиқ нарсаларни олиб ташлаш);
- Бошига музли халталар қўйиш;
- Иситувчи ускуналардан фойдаланмаслик тавсия этилади.
- 38 даражадан юқори бўлганда иситма туширувчи дори бериш мумкин. Бемор танасини спирт билан артиш ва чўмилитириш тавсия этилмайди. Болаларда ҳарорат 38 даражада юқори бўлса, ҳарорат кўтарилиши 1 кундан ортиқ давом этса, шифокорга мурожаат қилиш лозим.



НАВОЙ ВИЛОЯТИ

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Ёшлар ўртасида компьютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспортни оммалаштириш, ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида юртимизда босқичма-босқич Рақамли технологиялар ўқув марказларни ташкил этиш ишлари изчил давом этмоқда. Хусусан, ўтган 2021 йилда Навоий вилоятида ИТ ва рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида 9 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Кармана туманида ИТ марказ 2020 йилда иш бошлаган эди. Бу ерда компьютер саводхонлиги, веб дастурлаш, график дизайн, робототехника йўналишларида ҳар йили ўртача 300 нафар ўқувчи таълим олмақда. Мазкур марказ Wi-Fi алоқа ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, веб ва мобил иловаларни яратиш каби ихтисослашган ўқув курслар учун мўлжалланган. Бундан ташқари марказда киберспортни ривожлантириш тўғрисидаги ҳам мавжуд.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

QISHLOQ
HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидеги ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Махмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-147. 1719 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.30